

КОИНОТ БАҲОДИРЛАРИГА ОФАРИН!

Полковник Павел Иванович Беляев ва подполковник Алексей Архипович Леонов бошқарган „Восход-2“ космик кемаси она-Ватан тупроғига эсон-омон қўнди. Совет кишиси жаҳонда биринчи марта коинот эшигини айни маънода дангал очди.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши,
№ 66 (13.022).
20 МАРТ
1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2-тибин.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА ВА БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИГА БУТУН ДУНЁ ХАЛҚЛАРИГА ВА ҲУКУМАТЛАРИГА

Совет кишилари космосни тадқиқ қилиши ва ўзлаштиришида янги буюк муваффақиятга эришдилар.

Экипажи кема командири космонавт учувчи ўртоқ Павел Иванович Беляев ва иккинчи учувчи космонавт учувчи ўртоқ Алексей Архипович Леоновдан иборат совет космик кемаси «Восход-2» 1965 йил 18 мартда Ер йўдоши орбитасига чиқарилди. «Восход-2» кемаси учиб бораётганда космонавт учувчи А. А. Леонов кемадан сиртга чиқди ва космосда муваққатан илмий кузатишларни ўтказиб кема ичига қайтиб кириди. Одамнинг космосга чиқиши ва унинг кема ичига қайтиб кириши учун «Восход-2» кемаси махсус мураккаб техникавий аппаратлар билан ўқуналган эди. Кема командирини космонавт учувчи П. И. Беляев шу эксперимент вақтида одамни космосга чиқариб қўйдиган аппаратни бошқариб турди. А. А. Леоновнинг ҳолатини кузатиб борди ва у билан узлуксиз алоқа қилиб туриб, космик фазода бу мислсиз тажрибани бажаришнинг хавфсиз бўлишини таъминлади. Космонавт А. А. Леонов космик фазода кемадан чиқиб 20 минут чамаси турди, шу жумладан, унинг кемадан ташқарида туриши 10 минут давом этди.

Шундай қилиб, «Восход-2» кемаси учиб бораётган вақтда тарихда биринчи марта одам космик кемадан бевосита космосга чиқарилиди. «Восход-2» кемасининг экипажини кўрсатган илмий шикоятнинг энг катта аҳамияти ана шунда.

Кўп ўринли «Восход-2» космик кемаси 26 соат ичда Ер атрофини 17 мартадан кўпроқ айланиб чиқиб ва 720 минг километрдан зиёроқ масофани босиб ўтиб, Пермь шаҳри раёонида совет ерига қўнди. Кеманинг бутун системаси, ускуналари ва аппаратлари бутун учиб давомда нормал ва нуқсонсиз ишлаб турди. Кема экипажи олдига қўйилган вазифалар тўла бажарилди. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Восход-2» кемаси учиб бораётган вақтда одамнинг кемадан космосга чиқарилиши космик фазони ўзлаштиришида янги давр очиб беради. Бу мислсиз эксперимент одамнинг фақат космик кемалар ичда учини мумкинлигини исбот қилиб қолмай, шу билан бирга космик фазода одамнинг кузатишлар ўтказиб ва бошқа ишларни бажариш имконини янада кенгайтиришига алоқадор бўлиб қолди.

П. И. Беляев ва А. А. Леонов ўртоқларининг космосда

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИ

риб актив ҳаракат қилиши, худлас одамнинг космосда ишлаши мумкинлигини ҳам исбот қилди. Шу тариқа энг мураккаб вазифаларни ҳал этмоқ, шу жумладан, Ойга ва Қуёш системасининг бошқа планеталарига учиб бориб қўймоқ учун реал шарт-шароит вужудга келтирилмоқда.

«Восход-2» кемаси учиб бораётган вақтда ўтказилган кузатишлар жаҳон фанига янги ҳисса қўшди.

«Восход-2» йўлдош кемасининг мард экипажи социалистик Ватанимизнинг космик шўҳратини тағин ҳам анча кўпайтирди. Совет космик техникасининг қудратли ва аниқ ракеталарини, мукамал космик кемаларимизнинг устулунлигини, уларнинг ускуналари, одамнинг космосда хавфсиз учини таъминлайдиган бутун системамизнинг устулунлигини жаҳон яна бир марта кўрди. «Восход-2» йўлдош кемасининг мард экипажи совет олимларининг ақли ва билимлари, совет конструкторларининг заковати, совет ишчиларининг моҳир кўллари, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ўз олдларига қўйилган ҳар қандай вазифани ҳал қилишга лаёқатли эканлигини яна бир марта кўрсатди. Социализм шароитида совет кишиларининг талантлари ва қобилиятлари тобора ёрқин бўлиб равнақ топаверди. Социализм ҳар кун янгидан-янги баҳодирларни майдонга чиқармоқда, уларнинг шикоятлари бутун дунёни ҳайратда қолдиришда. Қудратли социалистик саноятимиз шундай чўққиларга кўтарилдики, натижада у кечагига фантастик бўлиб кўринган энг дадил режаларни техникада гавдалантиришга лаёқатли бўлиб қолди.

П. И. Беляев ва А. А. Леонов ўртоқларининг космосда

гўрсатган шикояти, қаҳрамонлиги ва довураклиги совет кишиларининг қалбини хурсандлик ва фахрлилик ҳисларини билан тўлдирмоқда. совет ватанпарварлиги ҳисларининг ва Ватанимиз тағин ҳам кўпроқ равнақ топиши учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни қилишга тайёр бўлиб туриш ҳисларининг янги тўқилларини вужудга келтирмоқда. «Восход-2» кемасини яратган олимлар ва конструкторларнинг, инженерлар ва ишчиларнинг ҳамда бу кеманинг аниқ учини таъминлаган ҳамма кишиларнинг ижодий меҳнатдаги муваффақиятлари билан совет кишилари Коммунистик партия билан бирга фахрланмоқдалар.

Бундан олдинги космик кемаларнинг учини каби, «Восход-2» кемасининг учини ҳам тинчлик ва тараққиёт ишга хизмат қилади. Совет Иттифоқи ер юзидан ҳам, космосда ҳам тинчлик сиебасини оғинмай ўтказиб келмоқда ва бундан буюн ҳам шундай сиебат ўтказиб ниятида эканлигини Совет ҳукумати неча мартада айтиди ва бунинг ақлида яна бир марта тантанали равишда айтиди. Бу сиебат социалистик тузумнинг туб асосларидан келиб чиқаётган сиебатдир. Совет Иттифоқи ҳеч бир мамлакатта таҳдид қилмайди, ҳамма халқлар билан амалий ҳамкорлик қилишга ниятдади. Совет ҳукумати ёппасига қуролсизланиши ва низоли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишни талаб этиб келмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

«ВОСХОД-2» ЕРГА ҚЎНДИ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ПРОГРАММАСИ ТЎЛА БАЖАРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

19 март Москва вақти билан соат 5 дан 30 минут ўтганга қадар «Восход-2» космик кемаси ўзининг Ер кура-си теъарағида ўн учинчи марта айланиб учинини тугаллади.

Космонавтлар тун давомида галма-гал ухладилар. Ҳар иккала космонавт ҳордиқ чиқариб олдилар, нонушта қилдилар ва ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Нафас олиш тезлиги минутига 18-20, томир уриш тезлиги минутига 72-78 марта атрофида бўлмоқда.

Космонавтлар Павел Иванович Беляев ва Алексей Архипович Леоновлар билан радио орқали қилинган алоқа-лар, шунингдек кемадан олиниб, ишлаб чиқилган теле-метрик ахборотлар кема ичиданги ҳамма системаларнинг нормал ишлаб турганини тасдиқлади. Кема кабинасида босим 1,2 атмосфера, температура цельсий ҳисобида 18 градуус. Ҳавонинг намлиги 45 процент.

Утган кеча давомида кемадан иш белгиланган програм-мага аниқ мувофиқлаштириб олиб борилади.

Космонавтлар Австралия қитъаси устидан учиб ўта ту-риб, Австралия халқига табрик йўлладилар.

Кема командирини полковник Павел Иванович Беляев ва иккинчи учувчи подполковник Алексей Архипович Леонов-лардан иборат экипаж бошқарган «Восход-2» космик ке-маси 19 март Москва вақти билан соат 12 дан 02 минут ўт-ганда Пермь шаҳри раёонида эсон-омон ерга қўнди.

Кема командирини полковник Беляев қўл билан бошқа-рини системасидан фойдаланиб кемани ерга қўндирди.

Беляев ва Леонов ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқ-далар.

Илмий тадқиқотлар программаси тўла бажарилди. Пар-воз жараёнида космонавтининг ҳаёт кечирини таъминлов-чи системаси мустақил ишлайдиган махсус скафандрда космик фазога чиқини юзасидан мураккаб илмий техника эксперименти муваффақиятли ўтказилди. Бу эксперимент эса инсоннинг космосни ўзлаштиришида янги босқич очиб беради.

«Восход-2» космик йўлдош кемасининг парвози вақти-да олинган материаллар ишлаб чиқилмоқда ва анализ қи-линмоқда.

БУЮК ҚАҲРАМОНЛИК

КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарларининг «Восход-2» кемаси экипажи билан суҳбати

«Восход-2» космик кемаси Совет Иттифоқи территория-си устидан учиб ўтаётган вақтда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, В. В. Гри-шин, П. И. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Пономарев, А. П. Рудakov, В. Н. Титов ўртоқлар Москва Кремлининг Свердлов залига гулладилар. СССР Министрлар Совети Ра-йонинг ўринбосарлари Д. Ф. Устинов, В. Э. Димшин, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, И. Т. Новиков, К. Н. Руднев, Л. В. Смирнов ўртоқлар ҳам бу ерда ҳозир бўлдилар.

Космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов билан тўп-ла-тўғри радио алоқаси ўрнатилган эди. Космонавтлар Ва-тан тошларини муваффақиятли бажарилаётганлигини пар-тия ва ҳукумат раҳбарларига эър қувонч билан маълум қилдилар.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, маълум қиламиз: экипаж ўзини жуда яхши ҳис этмоқда, кема системалари нормал ишлаётир, берилган тошларинг программага мувофиқ ба-жаришмоқда, парвоз муваффақиятли ўтаётир. Бизга ба-дирилган ишонч учун катта раҳмат».

Л. И. Брежнев довурак космонавтларни Совет Иттифо-қи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи номидан қизғин ва сатимий табриқлади, уларни бую-қ жасорат билан қутлади. Космонавт А. А. Леоновнинг қандай қилиб кемадан чиқиб, космосда иш олиб борганли-гини, дейди у, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари телевидение орқали кузатиб турдилар, бу эса жуда катта таасурот қолдирди. Л. И. Брежнев космонавт-ларга космосда муваффақиятли парвоз қилишларини ва жонажон Совет тупроғига ой бориб, омон қайтишларини тиллади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев космонавтларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Ити-фоқи Министрлар Советининг табриқини тошларди.

Табриқка жавобан космонавтлар бундай асдилар:
«Қўтловингиз учун чин қалбдан миннатдорчилик билди-рамыз, бизларга гамҳўрлик қилганлигингиз учун катта раҳмат. Совет Ватанининг фахрли тошларини бажарилади. Қўтлаганликлари ва яхши истаклар билдирганликлари учун барча совет кишиларига қизғин миннатдорчилик билдирамыз».

